

ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 4, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST
VOLUME 4, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2021

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳрири маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дијором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадониа
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Ағзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозогистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент.
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонқуловова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозогистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Саипова Камола Давлаталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллаҳон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозогистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фарабий номидаги Қозогистон
Миллий университети, Қозогистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмайлова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақили университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)

Талапов Баҳрийдин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Аиварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Page Maker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Яраш Ғаффоров

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
АХБОРОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР.....4

2. Жуммагул Абдураҳмонова, Улугбек Исмоилов

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....11

3. Жавлонбек Бегалиев

ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТАРИХИ (1940-1950 йиллар).....18

4. Ҳамза Жўраев

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТЛАРНИНГ
МАДАНИЙ ИНҶИЛОБ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....24

5. Jahongir Inoyatov

JAHON FOTOSURAT TARIXINI O'RGANISHGA DOIR ILMIY
YONDASHUVLAR EVOLYUTSIYASI.....31

6. Жамшид Кўчаров

АМИР ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА
БУХОРОНИНГ ИЧКИ ВА ТАШКИ САВДОДА ТУТГАН ЎРНИ.....37

7. Айгуль Раимова

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ВА ФАН.....45

8. Шоҳсанам Сулаймонова

ШАРОФ РАШИДОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....51

9. Солежон Тошев

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ.....57

10. Фарҳод Усманов

XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИНИ
БАРТАРАФ ЭТИШДА ИЧКИ ИШЛАР МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....63

11. Шуҳрат Құдратов

XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ
БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИ.....72

12. Сулаймон Ҳайдаров

ЎҚУВЧИЛАРДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИМКОНИЯТЛАРИ.....78

ҮТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Яраш Холлиевич Гаффоров,
 Тарих фанлари номзоди, профессор в.б.
 Тошкент вилояти Чирчик давлат
 педагогика институти

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

For citation: Yarash Kh. Gaffarov. INFORMATION EDUCATIONAL TECHNOLOGIES AND INNOVATIONS IN THE DEVELOPMENT OF THE PEDAGOGICAL EDUCATIONAL PROCESS. Look to the past. 2021, vol. 4, issue 5, pp.4-10



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-5-1>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўкувчи ёшлар таълим самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнайдиган таълимни ахборотлаштириш ва педагогик таълим жараёнларини технологиялаштириш ҳамда янги инновациялар бўйича маълумотлар кўрсатиб ўтилган.

Таълим технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, билим олишнинг замонавий технологияси сифатида дарс жараёнида масофавий таълимдан фойдаланиш ҳамда ахборот технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий хулосалар келтириб ўтилган. Шунингдек, ривожланган давлатлар таълимида мавжуд ютуқларнинг ахборотлаштиришга боғлиқ хусусиятлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: технологик жараён, моделлаштириш, дастурлаш, интеграция, инновацион усуслар, масофавий таълим.

Яраш Холлиевич Гаффоров,

Кандидат исторических наук, профессор и.о.
 Чирчикский государственный педагогический
 Институт Ташкентской области

ИНФОРМАЦИОННЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ИННОВАЦИИ В РАЗВИТИИ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА

АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация об информатизации образования и технологии педагогических образовательных процессов, а также о новых инновациях, играющих важную роль в повышении эффективности обучения студентов.

Проанализированы существующие проблемы в разработке и внедрении образовательных технологий, сделаны научные выводы об использовании дистанционного

обучения на уроках как современной технологии обучения и эффективности использования информационных технологий. В нем также указаны характеристики существующих достижений в области образования развитых стран, связанных с информатизацией.

Ключевые слова: технологический процесс, моделирование, программирование, интеграция, инновационные методы, дистанционное образование.

Yarash Kh. Gaffarov,
Candidate of Historical Sciences, Professor executor of an obligation
Tashkent Region Chirchik State Pedagogical Institute

INFORMATION EDUCATIONAL TECHNOLOGIES AND INNOVATIONS IN THE DEVELOPMENT OF THE PEDAGOGICAL EDUCATIONAL PROCESS

ABSTRACT

The article presents information about the informatization of education and the technology of pedagogical educational processes, as well as about new innovations that play an important role in improving the effectiveness of student learning.

The existing problems in the development and implementation of educational technologies are analyzed, scientific conclusions are made about the use of distance learning in the classroom as a modern learning technology and the effectiveness of the use of information technologies. It also shows the characteristics of the existing achievements in the field of education in developed countries related to informatization.

Index Terms: technological process, modeling, programming, integration, innovative methods, distance education.

1. Долзарбилиги:

Бугунги кунда таълимнинг ижтимоий роли сезиларли даражада ошди: инсоният тараққиёти истиқболи қўп жиҳатдан унинг йўналиши ва самарадорлигига бўлиб қолди.

Кейинги йиллар ичida яратилган, педагогикага багишланган адабиётларда “Педагогик технология”, “Янги педагогик технология”, “Илгор педагогик технология”, “Прогрессив педагогик технология” каби тушунчалар қўп учраб тургани билан, уларнинг ўзбек тилидаги маромига етган таърифи ҳали тузилмаган.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар.

Бу ерда “Нима учун бугунги кунда педагогик технологияларнинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурати туғилди?”, деган савол пайдо бўлиши мумкин. “Жамиятимизга қанчадан-қанча билимли кадрларни ва юкори малакали олимларни етишибирб келган педагогика усуллари мавжуд-ку, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай қолган ва мафкуралаштирилган жойларини ўзгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса бўлмайдими?”, - деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистонда шу кундаги педагогик жамоатчиликнинг аксарияти, айнан мана шу йўлдан бормоқда. Бу йўл иложисизликдан излаб топилган бўлиб, қисқа муддат хизмат қилиши мумкин. Мустақилликни кўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу йўл узок хизмат қилолмайди.

Чунки:

Биринчидан, маълум сабабларга қўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан ортда қолиб кетган жамиятимиз, тарақкий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун, ахоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илгор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги;

Иккинчидан, анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли “Ахборотли ўқитиш” сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув

жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги;

учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вактнинг чегараланганилиги;

тўртингчидан, кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ якунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

бешинчидан, ёшларни хаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илгор билим бериш усули ҳисобланган объектив борликка мажму ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидадир.

Педагогик технология юқорида санаб ўтилган бешта шартнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Шу кундаги ижтимоий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари бирдан бир қаторда, маърифат ва маданият соҳаларига, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар билимлар доирасига ҳам янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида маҳсус тадқиқотлар олиб боришни кўзда тутади. Бунда, энг аввало, қўйидагиларни аниқлаш лозим:

- таълим технологияларини илмий ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;

- таълим мажмуи сифатида нимани англатиши ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;

- таълим технологиясининг функционал мажмуи жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш;

- таълим технологиялари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мақсадларига қай даражада тўғри келиши ва уни баҳолаш мумкинлигини кўрсатиб бериш;

- педагогик технологиянинг мажмуулар назариясининг асосий қонуниятларига мослигини назоратда тутиб туриш йўл-йўригини ишлаб чиқиш.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари, педагогика илмининг тадқиқот обьекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш усули бўлибгина қолмай, ижтимоий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши лозим.

Бу зарурят, шу вактгача ўқувчи (талаба)лар ёпик тафаккур парадигма (намуна, мисол)лари асосида ўқитилганлиги, уларда ўзгача нуқтаи назарни тан олмаслик, фақат ўз фикрини тўғри деб билиш шакллантирилганлигиданdir. Бу ҳол ҳар қандай тараққиётга фов бўлиб, шу парадигмада юрган кишиларни инқироз сари етаклайди.

Жамиятишим жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада, айниқса таълим-тарбияда депсиниш ва умумий тараққиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришdir.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан кўлланиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиқсан холда, Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш лозим.[1]

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Педагогик таълим жараёнларини технологиялаштиришнинг асосий жиҳатлари тадқиқчилар, олимларимиз ва педагогларимиз томонидан турли хил илмий методик нашрларда таҳлил қилинган. Жумладан, Ю.К.Бабанский. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. 1990., Смесова У.А.Методика преподавания истории в школе. Т.Тошпўлатов, Я.Ғаффоров. Тарих ўқитиш методикаси. 2010., Ў.Қ.Толипов., М.У.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. 2006.,

Н.А.Шермухамедова. Илмий-тадқиқот методологияси. 2014., Я.Фаффоров. Махсус фанларни ўқитишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари. 2021., ва бошқаларнинг бир қатор асарлари ва илмий мақолаларида ўз аксини топган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ҳозирги замон ахборот ва компьютер технологияларининг имкониятлари, глобал интернет тармогининг пайдо бўлиши ва инсониятнинг кўп қиррали фаолиятига кириб бориши муносабати билан янада кескин ортиб кетди. XXI асрда, таълимда рўй берётган универсаллик, шунингдек, турли регионлар ва ўкув муассасаларида кечеётган таълимнинг глобаллашуви ва ривожланиши билан глобал интернет тармогининг кескин ривожланиши имкониятларидан фойдаланиш очиқ таълим тизимини вужудга келтирмоқда.

Ахборот технологияларини таълим жараёнида кўллашнинг педагогик-психологик омиллари Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июнда қабул қилган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори [2] ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга замин яратади. Фан ва техниканинг жадал ривожланиши жамият хаётининг барча соҳаларини ахборотлаштиришга асос яратди. Мамлакатнинг иқдисодиётдаги, инсонлар ҳаёти ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ахборот-технологик ривожланишнинг холатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Замонавий технологияларнинг ривожланиш ҳолати биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ривожланишига боғлиқ.

Ҳозирги замон ўқитувчиси, ўз фани бўйича мутахассислигидан ташкари фанни ўқитаётганда ахборот ва коммуникация технологияларининг барча афзалларидан бемалол фойдалана оладиган, ўкувчи ва талабаларда бу технологияларни амалда ишонч билан фан ва техниканинг мавжуд янгиликлари уларни ўкув дастурлари ва дарслклари мазмунига жадал киритиши талаб этади ва бу орқали талабаларнинг замонавий билимларини шакллантиришга замин яратади. Замонавий ўқитиши технологияларининг жорий этилиши ва турли методик ёндашувлар эса, ўз навбатида, талабаларда кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан енгил ва мустаҳкам шаклланишига қулай шароит яратади.

Билим олишнинг эса замонавий технологияси сифатида ўрганиш, дарс жараёнида масофавий таълимдан фойдаланиш бугунги қуннинг долзарб вазифаларидандир. Илғор тажриба таҳлили асосида ўқитувчи масофадан туриб ўқитишининг жиҳатини ажратиб кўрсата олиши, машгулотларни ташқил этишини билиши, демакки тобора ривожланиб бораётган технологияни кўпроқ акс эттириши эҳтиёжи туғилди. Масофадан туриб ўқитишини ривожлантириш соҳасида бевосита шуғулланган ва ишлаётган, ушбу соҳада кўп йиллик интернетдан фойдаланиш тажрибасига эга бўлган жаҳоннинг етук олимлари томонидан бажарилган ишларни тадқиқ қилиш натижаларидан кенг фойдаланиш ўринлидир.

Янги ахборот технологиялари таълим жараёнини вақт ёки жойлашган жойига боғлиқликдан халос қилди. Бироқ, айни бир вақтда, ахборот технологиялари ўкув жараёнида иштирок этаётганлар олдига янги кўшимча ва талаблар кўйди.

Ҳозирги жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг асосий йўналишларидан бири таълимни ахборотлаштиришdir.

Таълимни ахборотлаштириш – кенг маънода таълим соҳасини методология, ўқитиш мақсадларининг психологик-педагогик тадбиғига йўналтирилган янги ахборот технологиялари воситаларидан самарали фойдаланиш ва яратиш (қайта ишлаш) амалиёти билан таъминлаш сифатида каралади. Бундан ташкари, ахборотлаштириш масофали ўқитиши тизимининг тараккиёти учун база бўлиб хизмат қиласи. Ахборотлаштириш жараёнида таълим тизимида янги ахборот технологиялари воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш амалга оширилади.

Таълимни ахборотлаштириш, биринчи навбатда қуидагиларни назарда тутади:

компьютер техникаси, ахборот ва коммуникация технологияларнинг замонавий воситаларини тизимли ўрганиш, ташқил этиш ва фойдаланишни;

талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, ўқув ва методик таъминлашни; ўқитувчилар томонидан зарурий ўқув-методик таъминотни яратиш бўйича ишларни; ахборот технологияларини самарали кўлланилишидан вужудга келаётган янги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ахборотлаштиришнинг ягона тизими ўз олдига таълимнинг кенг доирадаги ҳамда мутахассисликка доир яратилган дастурини ўзлаштириш орқали мустаҳкам фундаментал билимга эга бўлган ва уларни ўз фаолиятида кўллай оладиган кадрлар тайёрлаш мақсадини қўяди.

Ахборотлаштиришнинг мақсади масофали ўқитиш тамойилларининг самарали тадбиридан иборат.

Ҳозирги замон фанининг ривожланиши, хусусан, илмий-тадқиқот усуллари ва воситалари муттасил мураккаблашиб боришида намоён бўладики, бу ахборот техникасини кўллашни тақозо этади.

Ахборот технологияси – бу ахборотни танлаш, жамгариш, тахлил қилиш ва фойдаланувчига етқазиб беришга йўналтирилган ҳисоблаш техникаси, электр алоқа, информатика имкониятларининг уйгунлигидир. Ишлаб чиқариш жараёни замираша ётувчи ҳар қандай технологияни таърифлашда ишлов бериш предмети, усул ва методларини, ишлаб чиқариш қуролларини, ишлаб чиқариш усулларининг тавсифини ажратиш мумкин. Технология жараён сифатида тартибга солинган ва ташкил этилган бўлади. Аммо анъанавий технологиялар моддий-энергетик омилларга таянса, ахборот технологияси ахборотга асосланади. Ахборот технологиясининг негизини моддий эмас, балки идеал омиллар ташкил этади. Ахборот технологияси ахборотнинг айланиши ва унга ишлов бериш жараёнлари мажмуи, шунингдек, бу жараёнларни тавсифлаш деб таърифланади. Ахборот маълумотларга ишлов бериш ва айланиш обьектлари ҳисобланади. Ахборотга ишлов бериш жараёнларининг технологик маршуртлари ва сценарийларини тавсифлашнинг таркибий қисмларини яратиш мумкин. Шу боис ахборот технологияси тушунчаси икки хил назарий ва амалий нуқтаи-назардан талқин қилинади. “Назарий нуқтаи-назардан ахборот технологияси илмий-техник фан бўлиб, унинг доирасида ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган жараёнларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш муаммолари тадқиқ қилинади. Амалий нуқтаи-назардан ахборот технологияси ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган жараёнлари мажмуи, муайян соҳага боғлиқ бўлган ва замонавий техник-иктисодий воситаларда амалга оширилган мана шу жараёнларнинг тавсифидир”[3].

Ҳозирги замон ахборот технологияси ўтмишнинг телеграф, телефон, радио, телевидение сингари техник ютуқлардан фойдаланади. Илмий-техник тажрибадан келиб чиқиб ахборотни машина ўқийдиган ташувчиларда жамгариш воситалари яратилди. Бундай воситалар вақт ва маконда бирон-бир чеклашларсиз ахборотни ер куррасининг исталган нуқтасига етказишни таъминлайди. Ниҳоят, белгиланган алгоритмлар бўйича компьютерлар ёрдамида ахборотга автоматлаштирилган ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилди.

Дунёда ахборотлашган жамият ривожланишининг назарий асосларини XX асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йилларнинг бошида ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши хақидаги янги концепцияларда ижтимоий тараққиётнинг асосий омили ишлаб чиқариш ва ахборотлардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. З.Бжезинский, Д.Белл, Э.Тоффлер[4] жамият тараққиёти “босқичлар алмашинуви” сифатида ўрганар эканлар, ахборотлашган постиндустриал жамият тараққиётини, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа иктисодий хизмат соҳаларидан кейин келувчи “Тўртинчи” иктисод ахборотлашган секторининг устуворлиги билан бөлгайдилар. Улар индустрисиал жамиятнинг асоси – капитал ва меҳнат ўз ўрнини ахборотлашган жамиятда ахборот ва билимга боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

Бошқа баъзи назариётчилардан фарқли ўлароқ бу олимлар инқилобни ижтимоий-сиёсий ҳаракат натижаси сифатида эмас, балки жамиятининг синфий тузилишини ижтимоий нодифференциал “ахборотлашган жамоа” билан алмаштирувчи “ахборотли портлаш”ида қўрадилар[5].

Хуллас, янги технология ва техникани ўзлаштириш ижтимоий-сиёсий ҳаётга бевосита боғлиқ. Улар одамлар ижод қилиши ва ташаббус кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиши лозим. Ахборот технологияси ёрдамида илмий билимлар формаллаштирилади ва айни вақтда маълумотларни ифодалашнинг кўргазмали шакллари (чизмалар, графиклар)дан фойдаланилади.

Инновация илмий тадқиқот фаолиятининг мавжуд шакл ва усуулларини янгилашга, уларни амалга ошириш учун янги мақсад ва воситалар яратишга қаратилган парадигмал фаолиятидир. У олимнинг бутун салоҳияти ривожланиши, ҳар қандай, ҳатто кутилмаган ҳолатларга ҳам тайёр туриши, янги вазиятларга тез мослаша олиши учун ҳам муҳим шарт-шароит яратиб беради[6]. Илмий тадқиқот фаолияти тўғрисидаги замонавий қарашларда кўпроқ унинг инновацион компонентларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирда ижодий фаолият деганда, инсоннинг янги моддий ва маънавий қадриятлар яратишга қаратилган ва ижтимоий аҳамиятга йўналтирилган инновацион фаолият усули тушунилмоқда. Айни шу маънода, ижодининг маҳсус шакли бўлган илмий ижод ҳам ўзига хос инновацион характеристерга эга. Унинг асосий вазифаси эса ҳодисаларнинг реал имкониятлари ва предметларига янгилик киритиш орқали намоён бўлади.

Ҳозирги даврда Республикаизда илмий тадқиқот фаолиятининг ривожланиш ҳолати ва ундаги структуравий ўзгаришлар инновацион фаолият билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, фаннинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига янгилик киритишда инновацияларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Бу ҳар йил ўтказилаётган инновацион ғоя ва технологиялар ярмаркасида иштирок этаётган ишланмалар тадқимотида ўз ифодасини топмоқда. Шу босидан ҳам мамлакатимизда фан, техника тараққиётини таъминлаш мақсадида инновацион муҳитни шакллантириш ҳамда доимий равишида эвристик фаолиятни рағбатлантириб бориш муҳимdir.

Инновация деб янги илмий техник ютуқлардан самарали фойдаланишга айтилади. Бу ҳолатнинг илмий-ижодий фаолиятдаги муҳитга мувофиқлаштириш, унинг самарасини ошириш республикаиздаги фан имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга катта ёрдам беради. Бу жараёнда асосий эътибор ёш авлоднинг энг рационал фаолиятига қаратилган. Чунки инновацион ғоялар жамият тараққиёти учун жуда кучли самара беради. Бундай ғояларни ривожлантиришда новаторликнинг ўрни катта. Чунки айнан новаторлик асосида илмий-ижодий фаолият олиб боришнинг янги типик кўринишини шакллантириш мумкин. Бу ҳолат янги ғоя, назария ёки парадигмада бирор хил янгилик устувор бўлганда содир бўлади. Ўз илмий янгиликлари асосида новаторлик шу пайтгача мавжуд бўлган назарияларни тубдан ўзгартириб юборади ва асосий вазифаси эса бундай янги ғояларни амалий ҳаётга табиқ этишдан иборат бўлади. Бунда, у энг аввало, ўз ихтиrolари ёки янги ғояларни амалга ошириш учун барча тўсикларни енгиб ўтишга ҳаракат қиласиди. Иккинчидан, ўзи фанга олиб кирган янгиликлардан бошқа олимлар ҳам фойдаланишлари учун имкон яратади. Учинчидан, самарасиз илмий ғоялардан воз кечишга унрайди. Туртинчидан, инновацион ғоялар ва шу кунгача мавжуд бўлган конструктив ғоялар билан мутаносиб ривожланиши мумкинлигига унрайди.

4. Хулосалар:

Хуллас, дастлаб адабиётларда инновация истиқодий тадқиқотлар тизимида ўрганилган. Вакт ўтиши билан инновацион ўзгаришлар жамият ҳаёти фаолиятининг ҳамма соҳаларида сифат кўрсаткичларини баҳолашда кўлланилади. Шу боис бу инновациялар фақатгина иқтисодиётда қўлланилиши ҳақидаги фикр нотўғри эканлиги асосланди. Илмий тадқиқот фаолиятида инновацияларнинг жорий қилиниши замонавий ютуқлардан фойдаланишга кенг имконият яратади. Илмий тадқиқот фаолиятига инновацион ёндашув янги кашфиётлар мазмуни, таркиби ва таснифини текшириш, натижаларини таҳлил қилиш имконини беради.[7]

Iqtiboslar/Cноски/References:

1. Ziyamuhamedov B. Basics of pedagogical skill. – Toshkent: "TOSI-BOOK", 2009. – 152-154 pages.
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 30, 2002 "On further development of computerization and introduction of information and communication technologies".
3. Mamford L. Myth typewriter. Technology and human development. – Moskva: Logos, 2001, 58 p.
4. Bzejinskiy Z. The Great Chessboard. – Moskva: International relations, 1998. - 254 p.; Bell D. The coming post-industrial Society. Social forecasting experience. –Moskva: Akademiya, 1999. – 95 p.; Toffler E. Future shock. – Moskva: AST, 2001. 560 p.; Toffler E. The third wave. – Moskva: AST, 1999. -784 p.
5. Batalov E. About the book by E. Toffler " The Third Wave". – Moskva: 1998, 85 p.
6. Kryuchkova S.E. Innovations and their role in the modern world (Eyes in a collective monograph "Synergetics-Nonlinearity-Globalism". – Moskva: Publishing MSTU, "Stankin". 2007.
7. Shermukhamedova N.A. Research methodology. – Toshkent: "Science and technology", 2014. - 174-175 pages.